

# **SUV VA YER RESURSLARIDAN OQILONA FOYDALANISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH**

**mavzusidagi respublika ilmiy-nazariy anjumani**

## **MATERIALLARI**

**22-25-noyabr 2019-yil**



**Buxoro**

**ИРРИГАЦИЯ ЭРОЗИЯСИНІ КЕЛИБ ЧИҚЫШ САБАЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ**  
**ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА**  
**С.С. Таджиев, ТИҚХММИ таянч докторанти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 8 декабря Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан соҳа вакилларини қутлаш баробарида:

“Ўз ишининг моҳир устаси бўлган сиз, азизларнинг фидокорона меҳнатингиз самарасини ҳар куни ўз дастурхонида кўрадиган ҳалқимиз бу йилги мавсум қандай оғир ва мураккаб кечганини яхши билади. Ҳақиқатан ҳам, табиат инжиқликлари – баҳорнинг қуруқ келгани, кутилмаган жала ва бўронлар, ёз фаслидаги кучли сув танқислиги, жазира маисиқ, турли ҳашарот ва касалликлар экинтиқинларга катта хавф туғдиргани, кузда эса ёғин-сочинларнинг барвакт бошлангани мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимларини яна бир бор жиддий синовдан ўтказди.” – деб таъкидлаб ўтди [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига”да сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация обьектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усувларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни кенг жорий этиш белгиланган. Шу жиҳатдан, Республикаизда ғўза ва қузги буғдойни турли сув тежамкор сугориш усувларини кенг жорий этиш орқали сугориш сувларини тежаш ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изланишлар долзарб ҳисобланади [2].

Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг ўсиши натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёж янада ортиб бормоқда. Бу эса дунёнинг барча мамлакатлари сингари Ўзбекистонда ҳам мавжуд ер майдонлари ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан янада кўпроқ маҳсулот олиш кераклигини тақозо этмокда. Сув заҳираларининг камлиги сабабли, қишлоқ хўжалик экин майдонларидан, ҳамда мавжуд сув ресурсларидан янада самарали фойдаланишимизни тақозо этади. Дунёда аҳоли сони шиддат билан ўсаётган, иқтисодиёт тармоқларининг жадал суръатлар билан ривожланаётган бир пайтда табиий неъматлар – сув ва ер ресурслари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб йил сайн ортиб бормоқда. Шундай мураккаб шароитда улардан оқилона ва тежамли фойдаланиш, тупроқнинг мелиоратив ҳолати ҳамда унумдорлигини яхшилаш орқали экинлар ҳосилдорлигини ошириш – давр талабидир. Ерларни нотўғри сугориш натижасида ва ирригация эрозияси сабабли тупроқ унумдорлиги ёмонлашади, кияликнинг устки қисмидаги унумдор тупроқ зарралари ювилиб, унинг пастки қисмida тўпланади, оқибатда бир даланинг ўзида турли тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликка эришилади. Тупроқни эрозиядан саклаш дунёнинг қурғоқчили минтақаларида жойлашган, суғорма дехқончилик ривожланган кўпгина мамлакатлар учун, жумладан Ўзбекистон худуди учун ҳам долзарб муаммо ҳисобланиб, унга қарши кураш тадбирлари кенг жорий қилиниши режалаштирилган.

Ҳозирги глобал иқтисодий ривожланиш шароитида сугориладиган майдонлар ҳосилдорлигини ўзгариши ва этиштирилаётган маҳсулотлар ҳажми бир нечта омилларга боғлиқдир. Масалан, ерларнинг ҳолати, шўрланиш даражаси, ер ости сувлар (ССС)ининг жойлашуви, ер ости сувлариниг минерализацияси, эрозия жараёнларини олдини олиниши ва бошқалар. Ўзбекистоннинг мавжуд сугориладиган экин майдонлари турлича унумдорлик ва механик таркибга, кияликка эга, шунингдек бу ерлarda турли хилдаги тупроқлар мавжуд. Ирригация ва шамол эрозиясига чалинган экин майдонларida қўлланилган минерал ўғитларнинг бир қисми сув билан бирга, ёки шамол таъсирида йўқотилади, янги ўзлаштирилган, текисланган қум тупроқларда эса ўғитларнинг тупроқ қатламларининг пастга ювилиши туфайли ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги кескин камайиб кетади [3]. Тупроқнинг узок муддатли ювилиши натижасида экинлар ҳосилдорлиги камайиб, озиқ моддалар тупроқнинг пастки қатламларига, оқова сувлари билан коллектор зовурларга ювилиб кетади. Натижада экинларнинг ҳосили камайибина қолмасдан, тупроқдаги макро - микроэлементлар, шунингдек заҳарли химикатлар завурларга оқиб тушиб, атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли бу майдонлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун тупроқларини эрозиядан ҳимоя қилиш, уларнинг унумдорлигини ошириш, сугориш, ўғитлаш, тупроққа ишлов беришга ва алмашлаб экишга тўғри ёндашиш муҳим иқтисодий, экологик аҳамиятга эгадир.

Республикамиз худудида йилига 600 минг гектар ер майдонлари ирригация эрозиясидан зарар кўрмоқда. Ирригация эрозиясидан ҳар йили республикамизда 0,5 млн тонна пахта йўқотилади, энг ёмони шундаки тупроқнинг энг унумдор қисми йўқолмоқда. Оқовани чиқишини ортиши таъсирида

унинг таркибида аввало тупроқ заррачалари ювилиб тушади, қолаверса бу заррачалар билан барча озиқа унсурлари ҳам ювиладики, бундай тупроқларда эрозияга қарши чоралар кўришни тақоза этади. Ирригация эрозияси туфайли тупроқнинг устки ҳосилдор қисми ювилиб, кам ҳосилли ерларга айланиб қолади. Ирригация эрозиясига учрамаган нормал бўз тупроқли ернинг гектаридан 30 центнер пахта ҳосили олинган бўлса, эрозия таъсирида бўз тупроқли ерларда ҳосилдорлик 25 центнердан ошмаган Ирригация эрозияси рўй берадиган худудларда тупрокка ишлов бериш усуllibарини такомилаштириш, сугориш сувларидан самарали фойдаланиш, эгат орқали оқаётган сув тезликларини оптималлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш. Эрозияга учраган тупроқларнинг унумдорлиги паст бўлганлигини инобатга олиб, тупроқ унумдорлигини оширувчи агротехник тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, алмашлаб экиш тизимларини жорий қилиш, ўғитлардан самарали фойдаланиш, жаҳон андозаларига мос келадиган, қурғоқчиликка, касаллик ва зааркунандаларга чидамли, табиий шароитларга тез мослашадиган, янги, истиқболли ғўза, кузги буғдой навлирини экиш ва улардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияларини жорий этиш. Қияли ерларда ирригация эрозиясини камайтириш учун томчилатиб сугориш усуllibарини кенг жорий этиш. Шу билан бирга ирригацион эрозияга учраган ерларда қўйидаги ишларни бажариш талаб этилади:

- сугориш технологияси ва полизтилен қувурлардан фойдаланиш;
- синусойдал (зиг-зак) эгатлар ҳосил қилиш;
- ирригация эрозиясига мойил ерларда ўғитлар меъёрини ишлаб чиқиш;
- нишаб ерларда ерни тежайдиган сугориш технологияларини ишлаб чиқиш;
- қиялиги юқори бўлган эгатларда сугориш меъёрини ишлаб чиқиш;
- ирригация эрозиясини олдини олиш ва бир майдондан бирданнига икки ҳосил олиш технологияси ишлаб чиқиш.

Хозирги кунда юқорида айтиб ўтилган ишлар амалда ҳам бажариб келиняпти ва бу ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Мутахассис-олимларимиз булар билан чекланиб қолмай янада кучли ва самарали кураш тадбирларини ишлаб чиқиш устида илмий изланишларини давом эттироқдалар. Юртимиз равнақи учун хар бир ватандошимиз ситки дилдан меҳнат қилиб ўз хиссасини қўшиши ҳамда ерга бўлган меҳни оширишимиз керак.

#### **Фойдаланилган манбалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 8 декабрда Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунидаги маъruzаси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясига”
3. М. Х. Хамидов, Х. И. Шукурлаев, А. Б. Маматалиев, “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси” Тошкент 2008.

**УДК.626.823.2:631.6**

**КУЗГИ БУҒДОЙДА СУГОРИШ ИННАВАЦИОН ИЗЛANIШЛАР**

**Илмий раҳбар: З.У.Аманова асистент**

**Ш.Б.Джураев – СХМ 3/1 гурух талабаси.**

Маълумотларга қараганда, қурғоқчил йиллар 2000 йилгача ҳар 6-8 йилда кузатилган бўлса, кейинги йилларда бу ҳолат ҳар 2-3 йилда тақорланмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди, алботта. Шу боис, мамлакатимизда дехқончилик тизимиға замонавий ва илғор сугориш технологияларини жорий этган ҳолда сув ресурслардан, жумладан, ёғинлардан самарали фойдаланиш, сув исрофгарчилигининг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хозирги даврда ғалла ҳосилдорлигининг ошишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан бири, вегетация даври давомида юзага келаётган сув тақчиллиги бўлса, иккинчиси, аксарият фермер хўжаликлирида ғаллани сугоришда маҳаллий тупроқ ва гидрогеологик шароитларни, уларнинг ўсиши ва ривожланишининг ўтиш фазалари даврида сувга бўлган хақиқий талабларнинг хисобга олинмаслигидир. Ғаллани сугориш жараёнидаги тупроқга солинаётган ўғитларнинг, бегона ўтлар ва ҳашаротларга қарши кўлланилаётган заҳарли кимёвий моддаларнинг бир қисми ер ости сувларига ювилиб тушиб, уларни экологик-мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Юқорида келтирилган сабаблар, сугориладиган ерларга ажратилаётган сув захираларидан самарали фойдаланиш,

temperaturani hisoblash	
<b>57. М.Malikov</b> Monitoring the area of the aral sea with unmanned aerial vehicle (uav)	102
<b>58. А.А.Ахметов, Б.В. Хушвактов, Д.Т.Кодиров</b> Обоснование параметров ротора комбинированной машины для предпосевной обработки почвы	104
<b>59. Т.Х.Жураев, Ж.Х.Джуманов, С.Т.Наимов.</b> Разработка динамической модели направляющей поверхности отвала в системе SIMPLEX	107
<b>60. Н.М.Муродов, Ф.Ф.Хамроев.</b> Бухоро вилояти шароитида бир ўтишда ерларни экишга тайёрлаш агрегатининг афзалликлари	108

## II SHO'BA

### **SUV RESURSLARIDAN OQILONA FOYDALANISH, YERLARNING MELIORATIV HOLATINI YAXSHILASH, ATROF-MUHIT MUHOFAZASI VA EKALOGIK XAVFSIZLIK MUAMMOLARI**

<b>61. М.А.Барнаева, М.Сайлиханова</b> Ўзбекистон республикасининг экологик муаммоларини бартараф қилиш йўллари	111
<b>62. М.А.Барнаева, М.Құрбонов</b> Суғориш далаларида сув-туз алмашув жараёнини моделлаштиришдаги вазифалар, экспериментал ускуналар ҳамда тадқиқот услуби.	112
<b>63. М.А. Barnayeva, SH.Djo'rayev</b> Sug'oriladigan yerlarda tajriba hududining o'ziga xosligini belgilash va tadqiqotlar metodikasi	114
<b>64. О.У.Муродов, Ш.Ғ.Фозилов</b> Боғдорчиликда томчилатиб суғориш усулини қўллаш самарадорлиги	116
<b>65. О.У.Murodov, SH.G'.Fozilov</b> Intensiv bog'larda tomchilatib sug'orish texnologiyasini joriy etish	117
<b>66. О.У. Муродов, Т.О.Амруллоев</b> Режим орошения хлопчатника на лугово-аллювиальных почв Хорезмского оазиса в условиях маловодья	119
<b>67. С.Ҳ Исаев, З.З Қодиров, Ш.Ғ.Фозилов</b> Соя навларини суғориш тартибининг дон ҳосилдорлигига таъсири.	121
<b>68. Z.Z Qodirov, Sh.Fozilov,X.Sanoyev</b> Sug'oriladigan yerlarning ikkilamchi sho'rланishiga asosiy sabablar, sho'rланishga qarshi kurash tadbirlari	124
<b>69. А.Қ.Жўраев, З.З.Қодиров, Х.Саноев</b> Сояни етиштиришда ресурстежамкор суғориш технологиялар қўллашнинг самарадорлигини илмий асослаш	126
<b>70. H.Safarova, G.Olimova, M.Gadoyeva, N.Luqmonova</b> Qishloq xo'jaligi ekinlarini sug'orishda suv tejamkor usullardan foydalanish.	127
<b>71. H.SafarovaA.N.Sa'dullayev</b> Dukkakli o'simliklarning xalq xo'jaligidagi asosiy xususiyatlari, uning yashash sharoiti va chidamliligi	129
<b>72. Ҳ.Ҳ.Сафарова, З.И.Насруллаев</b> Дуккакли экинлар тупроқ унумдорлигини оширади	130
<b>73. I.J.Xudayev, J.B.Shukurullayev</b> Zamonaviy suv tejamkor sug'orish texnologiyalariga o'tish- zamonning davr talabi	132
<b>74. С.С.Таджиев</b> Ирригация эрозиясини келиб чиқиш сабалари ва унга қарши кураш тадбирлари хақида	135
<b>75. З.У.Аманова, Ш.Б.Джураев</b> Кузги буғдойда суғориш инновацион изланишлар.	137
<b>76. З.У.Аманова, А.Ў.Ибрагимова</b> Ерларнинг шўрланиши ва уни ювишнинг мақбул муддатлари	13
<b>77. З.У.Аманова,У.Ғ.Бобоева</b> Кузги бошоқли дон экинларини "гидрогель"ни қўллаб яратилган сув тежамкор технологияси	141
<b>78. F.Ш.Ҳамзаев, Ҳ.Бўриев</b> Суғоришнинг замонавий усулари	143
<b>79. F.Ш.Ҳамзаев, М.З.Очилов</b> Ўзбекистон боғдорчилигига сувдан самарали фойдаланиш йўналишлари	144
<b>80. Л.Б.Исаева, Ш.Джураев</b> Сувдан фойдаланишда тежамкор суғориш технологияларни жорий этиш	146
<b>81. Л.Б.Исаева, А.Давронов</b> Мелиорация тадбирлари юқори ҳосилдорлик гарови	147
<b>82. Л.Б.Исаева, М.Авлиёқулов</b> Суғориш технологиясини такомиллаштириш муаммолари	148
<b>83. С.Б.Катгаев, М.К.Сайлиханова, Д.Э.Нуров</b> Оқова сувларни биокимёвий тозалаш - атроф муҳитни ва сув ҳавзаларини санитар жиҳатдан соғломлаштиради	150